8 (716)-сон — 43 — 79-модда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

79 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига қушимчалар ва узгартириш киритиш туррисида (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «2015 — 2020 йиллар даврида Узбекистон Республикаси ахолисининг сорлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш туррисида» 2015 йил 29 августдаги 251-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 29 августдаги 251-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига қушимчалар ва узгартиш киритилсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги «Саломатлик-3» лойихасини амалга ошириш Марказий бюросининг (кейинги ўринларда Марказий бюро деб аталади) махсус хисоб рақамида жамлаш тартиби тўгрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги йодланган тузнинг сифати, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, олиб келиш ва реализация қилишнинг тизимли мониторингини, шунингдек йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси буйича тадбирларнинг самарадорлигини таъминласин.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги микронутриентларни харид қилиш ва Марказий бюронинг Озиқ-овқат маҳсулотларини бойитиш дастурини амалга ошириш гуруҳини сақлаш учун назарда тутилган Марказий бюронинг маҳсус ҳисоб рақамида жамланган маблағлардан самарали фойдаланилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.
- 5. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
- 6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2016 йил 24 февраль, 50-сон



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й.



79-модда

**— 44 —** 8 (716)-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 февралдаги 50-сон қарорига ИЛОВА

## Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қушимчалар ва узгартириш

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлар ҳақида» 2010 йил 23 ноябрдаги 260-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 428-модда):
  - а) қуйидаги мазмундаги 31-банд қушилсин:
  - «31. Белгилансинки:

тузни йодлаштириш учун зарур бўлган микронутриентларни дастлабки харид қилиш бойитилган 1-навли буғдой унини сотишдан тушган жамланган маблағлар ҳисобига амалга оширилади;

йодланган туз ишлаб чиқарувчи корхоналарга микронутриентларни етказиб бериш олдиндан ҳақ туланмасдан амалга оширилади, йодланган тузни сотишдан тушган тушумнинг микронутриентларни харид қилишни таъминлаш учун уларнинг қийматига тенг булган бир қисми кейинчалик корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш Марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади»;

- б) 7-банд ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 2013 йил 14 майдаги 129-сон қарорининг 4-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 255-модда) «ТИФ ТН коди 2106 90 980 3» сўзларидан кейин «ва 2829 90 800 0» сўзлари қўшилсин.